

## ШАРТНОМА № 30

“29” апрел 2022 йил.

Гулистон шаҳри.

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган “Сирдарё минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонасиномидан Низоми асосида иш кўрувчи директор З.Базаров бир томондан, матнда кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган «ARCHITEKTOR UYUO'L LOYIHA» MCHJ Низоми асосида иш кўрувчи раҳбари Б.Эшонхонов иккинчи томондан, ушбу шартномани туздилар.

### I. ШАРТНОМАНИНГ МАҚСАДИ

1.1. “Пудратчи” ушбу шартнома шартларига мувофиқ Боёвут тумани Савотобод МФЙ Фидокор кучасини лойиха смета ҳужжатларини жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади. “Буюртмачи” эса “Пудратчи”га бажарилиши лозим бўлган ишлар учун тегишли меъёрий ҳужжатлар ва ташкилот нормативлари асосида тузилган лойиха-смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағни тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

### II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. 2022 йил 15-март кунги танловда (ЛОТ рақами № 22110012074458) ғолиб бўлиб бажарилиши лозим бўлган ишлар қиймати (ҚҚС ва барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда)га асосан жорий нархларда 12 500 000 сўмни ташкил этади.

2.2. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, манзиллик рўйхати тасдиқланиб молиялаштирилган маблағ аниқлангандан сўнг тегишли Ҳазначилик тизимидан (Узазбо дастури) рўйхатдан ўтиб, маблағ Республика ёки маҳаллий бюджетдан “Буюртмачи” махсус ҳисобига туширилганидан сўнг, 10 банк иш кунида “Буюртмачи” томонидан бажариладиган ишлар қийматининг аванс (бўнак) тариқасида 30 % келишилган сумма “Пудратчи”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. Маблағнинг қолган қисми Республика ёки маҳаллий бюджетдан “Буюртмачи” махсус ҳисобига туширилганидан сўнг, “Пудратчи” томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунида ўтказиб беради.

2.4. “Пудратчи” томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар 2022 йилнинг 31 декабр кунига қадар “Буюртмачи” гатопширилиши шарт ҳисобланади. Курсатилган муддатда “Пудратчи” томонидан бажарилган ишлар топширилиши таъминланмаган тақдирда, бажарилган ишлар юзасидан “Буюртмачи” томонидан молиялаштирилиши масаласи қайта куриб чиқилади.

2.5. Бажарилган ишлар учун тўловлар “Буюртмачи” томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади

### III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

“Пудратчи”нинг мажбуриятлари:

3.1. Мазкур шартномада илова қилинадиган бажариладиган ишлар жадвалига асосан биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва мазкур шартноманинг ишларни бажариш тўғрисидаги 1-иловасида кўрсатилган жадвал асосида белгиланган ойлarda ишларни кўрсатилган муддатларда бажариб топширади.

3.2. Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда бажариш ҳамда “Буюртмачи”га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

Объектнинг ижро ҳужжатларини тўлиқ расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини ва ҳисоб варақ фактуралар (юк хати)дан нусха тақдим этади.

3.3. “Пудратчи” мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун “Буюртмачи” олдида тўлиқ мулкый жавоб беради. “Пудратчи” “Буюртмачи” олдида ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун ҳам жавобгар бўлади. “Буюртмачи” “Пудратчи” билан тузган шартномалар бузилиши билан боғлиқ талабларни ёрдамчи пудратчиларга қўймайди.

3.4. “Пудратчи” геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиқ ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида геодезия ишларида хатолар аниқланса, “Пудратчи” тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан амалга оширади.

3.5. Агар беркитилган (ёпилиб кетадиган) ишлар “Буюртмачи”нинг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича “Пудратчи” “Буюртмачи”нинг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра уни тиклашга мажбурдир.



3.6. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача “Пудратчи” қурилиш монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтари (журнал)ни юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши акс эттирилади. “Пудратчи” дафтар (журнал)да “Буюртмачи” томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.7. Объект фойдаланишга топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланишига “Пудратчи” тўлиқ жавобгар бўлади.

**“Пудратчи”нинг ҳуқуқлари:**

3.8. Бажариб бериладиган иш учун олинадиган аванс ҳақ тўланишини мазкур шартноманинг 2.2-бандига кўра, ишни бажариб топширгандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.3-бандига кўра тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш.

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш.

3.8. Лойиха-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари “Пудратчи” томонидан тўлиқ ва сифатли бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлари смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида “Буюртмачи”ни хабардор қилган ҳолда йўналтирилиши мумкин.

3.8. “Пудратчи” зарур ҳолларда айрим иш турларини бажарилишида лойиха-смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўз имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойихачи ташкилотнинг тегишли хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин.

3.9. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойлarda бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

**“Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:**

3.10. Тасдиқланган лойиха-смета ҳужжатлари асосида бажарилган ишларни меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасида қабул қилиб олиш.

3.11. Бажарилган ишлар учун ҳақ тўланиши мазкур шартноманинг 2.2-бандига кўра, ишни бажариб топширгандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.3-бандига кўра тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинади.

**“Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:**

3.12. “Пудратчи”дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш.

3.13. Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғрилиши харажатларини қопланишини талаб қилиш.

3.14. “Пудратчи”дан шартномада кўрсатилган ишларини лойиха ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш.

3.15. “Пудратчи” томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш.

3.16. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

3.17. Агар “Пудратчи” шартномани амал қилиш муддати давомида белгиланган объектни “Буюртмачи” га топширмаган тақдирда, “Буюртмачи” мазкур шартнома муддатлари тугагандан сўнг, бажарилган ишлар учун маблағ бериш мажбуриятини олмайди.

#### IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди.

4.2. “Пудратчи” объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун “Буюртмачи”га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 %и миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пенянинг суммаси тўлаб берилган маблағнинг 50 %идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган камчилик ва нуқсонлар “Пудратчи” томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса, ёки ишлар умуман бажарилмаси, “Буюртмачи” тўловларни тўхтатиб, лозим даражада, ёки умуман бажарилмаган ишларнинг 20 % и миқдорида жарима ундирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун “Буюртмачи” томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 % миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 % миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган томон иккинчи томонга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган зарарларни қоплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.



4.6. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 25-32 модллари асосида белгиланади.

## V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

5.2 “ Пудратчи ” нинг мазкур шартномани бажариши учун бошқа шартлашувчи шериклари, ёрдамчи пудратчилар томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, “ Пудратчи ” да зарур маблағларнинг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

## VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Шартнома асосида белгиланган маблағни молиялаштирилиши билан боғлиқ муаммолар келиб чиққан тақдирда “ Буюртмачи ” ва “ Пудратчи ” ўзаро келишув асосида шартномага ўзгартириш киритиши мумкинлиги маълумот учун қабул қилинади.

6.3. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса, Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Гулистон туманлараро Иқтисодий суди орқали хал этилади.

## VII. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ҳазначилик тизимидан (Узазбо дастури) рўйхатдан ўтган кундан кучга кириб, 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

7.2. Объектнинг жорий таъмирлаш бўйича маблағ Республика ёки маҳаллий бюджетдан “Буюртмачи” нинг махсус ҳисоб рақамига 2022 йил 31 декабрь кунига қадар ажратилмаган тақдирда мазкур шартноманинг амал қилиш муддати қайта кўриб чиқилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучга эга.

## VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

### “БҮЮРТМАЧИ”

Сирдарё минтакавий йулларга буюртмачи  
хизмати давлат унитар корхонаси  
Гулистон ш. Саховат кучаси 1-уй.  
Тел/факс: 236-55-16  
ш/х: 304521860242127045129118038  
СТИР: 207 252 998



Директор

З.Базаров

### “ПУДРАТЧИ”

«ARCHITEKTOR UYYO'L LOYIHA» MCHJ  
Мирзаобод туман Тошкент МФЙ  
ТИФ Миллий банк Гулистон ш филиали  
х/р: 20208000605452394001  
МФО: 00363  
ИНН: 308977115



Рахбар

Б.Эшонхонов

## ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА

Ўзаро қилинган пудрат шартномасининг шартлари, хусусан, тарафларнинг ҳуқуқлар, мажбуриятлари, кафолатлари, ишларнинг бажариш муддатлари, ҳисоб-китоб ва тўловлар, ишлаб чиқариш, форс-мажор, тугалланган қурилиш объектини қабул қилиш ҳолатлари, шартномани бекор қилиш ҳамда тарафларнинг мулкий жавобгарлик асослари, низоларни хал қилиш тартиби ва яқуний талаблар Фуқаролик кодексининг 26, 27, 28 ва 37-боблари ҳамда “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонун талабларига мос келади, шартнома тузувчи шахслар шартномани имзолаш ҳуқуқига эга, шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Сирдарё МЙБХ ДУК  
Бош юрисконсулти:

Ф.Х.Усаров

" " 2022 йилдаги №  
Шартномага 2-илова

Объект: Боёвут тумани Савотобод МФЙ Фидокор кучасини лойиха смета худжатлари

МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

№	Молиялаштириш шартлари	Жами	Шундан				2022 йил
			январ	феврал	апрел	май	
1	30 % хажмидаги бунак	3 750 000	0	0	3 750 000	0	3 750 000
2	70 % хажмда жорий молиялаштириши	8 750 000	0	0	0	8 750 000	8 750 000
3	<b>Жами:</b>	<b>12 500 000</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>3 750 000</b>	<b>0</b>	<b>12 500 000</b>

"Буюртмачи"



"Ўзгратчи"



" " 2022 йилдаги № \_\_\_\_\_  
Шартномага 1-илова

**БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ**  
Пудратчи ташкилот: «ARCHITEKTOR UYUO'L LOYIHA» MCHJ

№	Иш тури	Жами	Шундан				Жами суммаси
			январ	феврал	апрел	май	
1	Қурилиш монтаж ишлари	10 869 565	0	0	10 869 565	0	10 869 565
2	ҚҚС 15 %	1 630 435	0	0	1 630 435	0	1 630 435
3	Жами	12 500 000	0	0	12 500 000	0	12 500 000

"Буюртмачи"



"Пудратчи"

